



# ХАБАР



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborot@xabar.uz, web sayti: www.21asr.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 1 ноябрь, пайшанба, 44 (468)-сон



**Иқтисодийнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 30,6 фоизга ошди**

**3 ҚОНУНЧИЛИК**



**O'zLiDeP дастурлари жойларда қандай натижа бермоқда?**

**5 ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА**



**Тадбиркор фаолиятини ноқонуний текшираётганлар кимлар?**

**6 ИҚТИСОДИЁТ**

## ПАРЛАМЕНТДА

### ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН БОЗОРИГА ЯҚИН ЙЎЛ ОРҚАЛИ ЧИҚМОҚДА

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларида экспорт-импорт юкларини ташиш учун 2 та транспорт йўлагидан фойдаланган бўлса, бугунга келиб ташки савдо юклари 10 га яқин йўналишлар орқали жаҳон бозорларига етказиб берилмоқда. Натижада ана шу юкларнинг 50 фоиздан ортиғи аънанвий йўлақларга нисбатан қулай бўлган муқобил йўллар орқали ташилмоқда

3 >>>

## «ЁШЛАР ҚАНОТИ»:

### ПАРТИЯ ДАСТУРЛАРИ МУСТАҲКАМ КЎПРИККА АЙЛАНЯПТИ

Фаргона вилоятида O'zLiDePнинг 11280 нафар аъзоси бўлиб, уларнинг 2080 нафарини 30 ёшгача бўлган янги авлод вакиллари ташкил этмоқда

2012 йилнинг март ойида халқ депутатлари Фаргона вилоят кенгаши сессиясида тасдиқланган «Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сиёсий фаолиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим ва тарбия бериш жараёнлари, жумладан, ўқув-тажриба амалиётининг самардорлигини таъминлаш, битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасидаги ишларни ташкил этишда мутасадди идоралар фаолияти юзасидан таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича O'zLiDeP вилоят кенгашининг Ҳаракат дастури»ни таҳлил қилар эканмиз, бу ҳужжат партиянинг ёшларга оид сиёсатини янада кучайтиришга хизмат қилаётганига амин бўламиз.

2 >>>

## БУГУНГИ СОНДА

### МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАСИ

Наманган вилоятида экспорт қилинган маҳсулот миқдори 60 миллион АҚШ долларидан ошди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 фоиз кўпдир.

**4**

4 >>>

## ИСЛОҲОТ

### Фармон ижроси учун масъулмиз

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОНДА ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН O'ZLIDEP ФЕРМЕРЛАР ҲАМДА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ, ҲУҚУҚИЙ ВА СИЁСИЙ БИЛИМЛАРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, ЖОЙЛАРДА АНА ШУ МУҲИМ ҲУЖЖАТНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШГА КИРИШДИ

Маълумки, мустақиллик йиллари фермерликни ривожлантириш, унинг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлашга қаратилган мустақкам ҳуқуқий асос ва кафолатлар тизими яратилгани, хусусан, Ер кодекси, «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги қонун ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани қишлоқ мулкдорларини ернинг ҳақиқий эгасига айлантирди.

Аммо дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ошгани бу соҳада ҳам инновацияларни жорий этиш, айна кундаги экологик вазиятдан келиб чиқиб самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо этаётди. Бунда, энг аввало, фермер ҳўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларнинг самардорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатла-

рини кенгайтириш, ер-сув ресурслари ва мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш масаласига эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Ана шулардан келиб чиқиб, мазкур фармонда қишлоқда ижара муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақкамлашга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг етакчи бўлини ва шакли сифатида фермер ҳўжаликлари-нинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишни таъминлаш белгилаб берилмоқда.

Бу мазкур фармоннинг амалиётга чуқур татбиқ этилишидан, энг аввало, O'zLiDeP манфаатдор эканини ҳам аналтади.

2 >>>

### Депутатлар нега сукут сақламоқдалар?

МИРИШКОР ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ҚИСМИДА ЖОЙЛАШГАН БЎЛИБ, ТУРКМАНИСТОН БИЛАН ЧЕГАРАДОШ ТУМАН ҲИСОБЛАНАДИ

Худудда 3 та шаҳар типидagi қўрғон, 36 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, уларда 23 миллат вакиллари иборат 97 миң аҳоли истиқомат қилаяпти.

Маълумки, миришкорликларнинг аксарияти чорвачилик билан машғул. Туманда қадимий ҳунарман-

дчили турлари ҳам сақла-ниб қолган. Жейновнинг зардўзлик мактаби, араби ғилмлари, миришкорнинг чопон ва сўзаналари, чандирнинг жундан тайёрланадиган бетакорр маҳсулотлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Истиқлол йиллари туманда бир қатор замонавий касб-ҳунар коллежлари, савдо ва маиший хизмат кўрса-

тиш объектлари барпо этилди.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис аҳоли фаровонлиги йил сайин юксалиб бораёттир. Ўтган йили туманда 235 та янги тадбиркорлик субъекти иш бошлади. Иқтисодчиларнинг фикрича, айна пайтда худудда 3890 та янги иш ўрни яратилиб, шунинг 1086 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, 1343 таси эса касаначилик, ишлаб чиқариш ва бозор инфра-тузилмасини ривожлантириш ҳиссасига тўғри келади. Уларга тижорат банклари томонидан 5284,6 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Ҳозир туманда мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаёттир.

4 >>>



### Фракция тадбиркорликни рағбатлантиришга оид янги қонунларни қўллаб-қувватлади

O'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ВА ХУСУСИЙ МУЛК ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Депутатларнинг таъкидлашларича, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида тайёрланган ушбу

қонун лойиҳаларига хусусий сектор эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи бир қатор янги нормалар киритилмоқда.

Хусусан, давлатта жиддий зиён келтирилмаган иқтисодий жиноятлар бўйича судланганликни олиб ташлаш

муддатини 2 баробарга камайтириш, бевосита жабрланувчи томонидан даво қилинмаган тақдирда жиноят ишларини тугатишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар шулар жумласидандир.

2 >>>

### Жаҳон сайёҳлик салоҳияти намоиши

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА 31 ОКТАБРЬ КУНИ «ИПАК ЙЎЛИДАГИ ТУРИЗМ» ЎН САККИЗИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО САЙЁХЛИК ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

«Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Буюк ипак йўли» реклама агентлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирнинг очилишида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирми ва компаниялари, меҳмонхоналар вакиллари, мутахассислар, олим ва экспертлар ҳамда Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Анжуманда «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Ф.Ризаев Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида сайёҳлик соҳасини, жумладан, ички туризм-

ни изчил ривожлантириш, мамлакатимизга келатган хорижий сайёҳлар оқимини янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга Ўзбекистон ўзининг қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати, бетакорр қадриятлари ва аънаналари билан жаҳон сайёҳларини ўзига тобора кўпроқ жалб этмоқда.

Сайёҳлик дунёдаги қўллаб-қувватларда даромад олишининг асосий тармоқларидан биридир.

8 >>>



# ҚОНУНЧИЛИК

## Фракция тадбиркорликни рағбатлантиришга оид янги қонунларни қўллаб-қувватлади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,  
«XXI ASR»

— Муҳокама этилган қонун лойиҳаларига кўра, Жиноят кодексининг бир қатор бобларида кўрсатилган жиноятларни содир этган шахслар давлатга жиддий зиён келтирмаган тақдирда ЖКнинг 78-моддасида белгилаб қўйилган муддатларнинг камида тўртдан бирини ўтаганидан кейин, 167-168-моддалар ҳамда XI-XIII бобларида (ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган, иқтисодий асосларига қарши ва ҳўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар) назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан эса жабрланувчининг даъвоси бўлмаса, судланганликни олиб ташлашга оид қўшимчалар киритилапти, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Ориф Шарипов. — Шунингдек, Жиноят кодексига атамаларнинг ҳуқуқий маъносига оид ўзгаришлар киритиш таклифи қилиниб, жиноятлар бўйича "кўп бўлмаган зарар", "анча миқдор", "анча миқдордаги зарар", "кўп миқдор", "кўп миқдордаги зарар" "жуда кўп миқдор", "жуда кўп зарар" миқдорлари белгилаб қўйилмоқда. Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига давлатга жиддий зиён келтирилмаган ва жабрланувчи томонидан даъволар бўлмаган тақдирда, Жиноят кодексининг 167, 168, 175-192-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан айбонлик тўғрисидаги масалани ҳал этмай туриб, жиноят ишларини тугатиш учун янги асосларни белгиланиш қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Фракция аъзоларининг фикрича, бундай ўзгаришлар тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк ҳўжалик фаолиятини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Бошқача айтганда, Жиноят кодексига киритилаётган қўшимчалар жиноятларнинг иқтисодий зарар миқдори даражасини ошириш каби квалификация белгиларини ўзгариштириш ҳисобига жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича яна бир муҳим қадамдир. Хусусан, кўп бўлмаган зарар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баробаридан 100 баробаригача, анча миқдор ва анча миқдордаги зарар қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробаридан 300 баробаригача, кўп миқдор ва кўп миқдордаги зарар қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баробари ва ундан ортқичи ташкил этиши белгиламоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси орқали Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар эркин тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш билан бирга ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилади.

— Ушбу қонун лойиҳаси ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган тизимни жорий этиш ва шу асосда мамлакатимиз ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада оширишга қаратилган, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Равадан Аскарлов.



Йиғилишда «Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сай-

ана шу таклифларнинг 36 таси қайсидир маънода қонун лойиҳасида ўз аксини топди.

Фракция аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасида бир неча асосий қондалар яққол кўзга ташланиб туради. Масалан, сайловолди ташвиқоти жараёни моҳиятини очиб бериш ва

тиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш ҳам сайловолди ташвиқотининг кенг қўлланидиган усуллари, — деди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Тўлқин Турсунов. — Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотининг қонун ҳужжатларида

## Фракция аъзоларининг фикрича, бундай ўзгаришлар тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк ҳўжалик фаолиятини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

лов тўғрисида»ги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу қонун лойиҳаси «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талабларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган бўлиб, парламент қўйи палатасидаги бир гуруҳ депутатларнинг қонунчилик ташаббуси асосида кун тартибига киритилмоқда.

— Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганидан кейин Марказий сайлов комиссияси аъзолари, тегишли вазирлик ва идораларнинг экспертлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокчидан афрофлича муҳокама қилинди, — деди Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси ўринбосари, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Адхам Шодмонов. — Жумладан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида шу мавзуда амалий семинарлар, давра суҳбатлари ва халқаро конференциялар ўтказилиб, уларда билдирилган таклиф ва тавсиялар умумлаштирилди. Бундан ташқари, Варшава ва Берлин шаҳарларида уюштирилган тадбирларда ҳам қонун лойиҳасининг айрим жиҳатлари афрофлича кўриб чиқилиб, унинг иштирокчилари бўлган халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланди.

Қонун лойиҳаси расмий сайтларга жойлаштирилганидан кейин жамоатчилик вакиллари 4300 дан зиёд таклифлар олинди. Худудлар кесимида ўтказилган тадбирларда эса яна 300 га яқин тавсиялар жамланган бўлса, шундан 70 дан зиёди О'zLiDeP фракциясининг фикр-мулоҳазаларидир. Энг муҳими,

унинг бир хил тушунилишини таъминлаш мақсадида айнан «сайловолди ташвиқоти» тушунчасига аниқ таъриф берилгани эътиборга моликдир. Бу тушунча «сайлов кампанияси даврида амалга оширилган сайловчиларни депутатликка номзод бўлиб олишнинг тартиб-таомиллари ва сайловолди ташвиқоти» сифатида белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳасига сайлов кўни ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги норма ҳам киритилапти. Таклиф этилаётган янги норма сайловчиларга ўз нуқтаназарини аниқлаштириш, қайси сиёсий йўлни маъқул деб топиб, ким учун овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан онгли қарор қабул қилиш учун қўшимча вақт бериш назарда тутилди. Шунингдек, бу норма овоз бериш арафасида турли суниестеомликлар ва қондаларнинг олдини олиш имконини беради.

Сайловолди ташвиқотининг самарадорлигини ошириш мақсадида 2004 ва 2009 йиллардаги сайлов кампаниялари таҳлилидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида сайловолди ташвиқотини олиб бериш турлари, шакллари ва усуллари ҳам белгилаб қўйилмоқда. Чунончи, сиёсий партиянинг ўз номзодлари учун овоз беришга даъват этувчи дастури ёки Сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни, депутатликка номзод ҳақидаги маълумотларни тарқатиш ташвиқот турлари сирасига киритилмоқда. Сайловолди ташвиқоти шакллари сифатида эса омма олдидан баҳс-мунозаралар, матбуот конференциялари уюштириш, интервью бериш, йиғилишларда сўзга чиқиш алоҳида кўрсатиб ўтилмоқда.

— Оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидениедан фойдаланиш, босма, кўргазмалар, аудиовизуал материалларни чиқариш ва тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш ҳам сайловолди ташвиқотининг кенг қўлланидиган усуллари, — деди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Тўлқин Турсунов. — Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотининг қонун ҳужжатларида таъкидланмаган бошқа турлари, шакллари ва усуллари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Амалдаги қонунчиликка биноан, сайлов кўни ўз яшаш жойида бўлмайдиган сайловчи участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб олиш ва қайси номзодга овоз бериш ҳақидаги қарорини ёпиқ конвертда қолдириш ҳуқуқига эга. Бироқ унда бу жараёнинг аниқ муддати ҳамда тартиб-таомиллари белгиламаган. Янги нормага кўра, муддатидан олдин овоз бериш сайловолди норма ҳам киритилапти. Таклиф этилаётган янги норма сайловчиларга ўз нуқтаназарини аниқлаштириш, қайси сиёсий йўлни маъқул деб топиб, ким учун овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан онгли қарор қабул қилиш учун қўшимча вақт бериш назарда тутилди. Шунингдек, кузатувчиларга Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов бўйича конференциясида иштирок этиш ҳуқуқи берилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши сайлов эркинлигини принципни тўлиқ амалга ошириш, сайлов тизимини янада демократлаштириш, сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш ҳамда сайловнинг ошқор ва очик-ойдинлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фракция йиғилишида, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 356-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш киритиш ҳақида», «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида», «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилинган муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари ҳам муҳокама этилиб, кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Фармон ижроси учун масъулмиз

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ўз мухбиримиз

Чунки партиянинг Сайловолди дастурида шартномада кўзда тутилган хом ашё, материаллар ва товарларни белгиланган муддатларда етказиб беришда, фермерлар етиштирган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларни амалга оширишда тайёрловчилар масъулиятини кучайтириш, қайта ишланган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш учун қулай шарт-ша-

роит яратиш масалалари белгилаб олинган. Зеро, фармонда фермер ҳўжаликларининг давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, тайёрловчилар ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини янада такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

О'zLiDeP фаоллари партиянинг қўйи бўғинлари фаолиятини ушбу фармон талаблари асосида қайта кўриб чиқиш, бунда, энг аввало, ҳудудий кенгашлар қўшидаги тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш бўлимлари ишини жонлантиришга эътибор кучайтириш зарурлигини таъкидламоқдалар. Бунда

жойлардаги депутатлик гуруҳларининг фермерлар билан алоқасини яхшилаш, фермерлик фаолияти билан боғлиқ масалаларни сессиялар кун тартибига олиб чиқиш ва улар бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини назоратта олиш механизминини такомиллаштириш лозимлигига ҳам эътибор қаратилди.

Бир сўз билан айтганда, О'zLiDeP Президент фармонида белгилаб олинган вазифалар ижросини таъминлаш учун, энг аввало, фермерларнинг ҳамда қишлоқ аҳолисининг иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини янада ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратайти.

«ЁШЛАР ҚАНОТИ»:

## Партия дастурлари мустаҳкам кўприкка айланыпти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Шўхрат РАХИМОВ,  
«XXI ASR»

— Дастурдан кўзда тутилган мақсад ёшларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, юқори малакали, мамлакатни янада ривожлантириш масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир, — дейди О'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Юсуфжон Юсуфов. — Мазкур дастур асосида ёшлар ҳаёти билан боғлиқ ташкилот ва муассасалар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам мустаҳкамланмоқда. Масалан, жорий йилнинг март-апрель ойларида 30 миң нафардан ортқичи ёшлар иштирокчидаги «Бугунги кун коллежлари битирувчисининг имкониятлари» мавзусидаги учрашув ҳамда давра суҳбатлари яна шу идоралар ҳамкорлигида уюштирилди.

Тадбир давомида «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан бир қатор касб-хўнар коллежларида ёшлар клуби ташкил этилди.

Унинг аъзолари ўз фаолиятини О'zLiDeP дастурида белгилаб олинган масалалар — иқтидорли ёшларнинг турли танловлардаги иштирокчини кенгайтириш, битирувчиларни таълимнинг иқтисодий босқичларига йўналтириш ҳамда бизнес соҳасига кириб келишлари га амалий кўмаклашиш каби муҳим вазифалар асосида олиб бормоқдалар.

Агар 2011 йили партиявий танловларда иштирок этган 3 нафар ёшга галиб сифатида тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари берилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 158 тага етди.

Масалан, Фарғона ижтимоий-иқтисодий коллежини тамомлаган Гўлбаҳор Муҳитдинова жорий йилнинг ўзида «Микрокредит-банк»нинг вилоят бўлимидан дастлабки сармоини олиб, терм-чармдан аёллар



ва бошқар сумкаларини ишлаб чиқара бошлади.

Бир сўз билан айтганда, муҳим дастур вилоятдаги 144 та касб-хўнар коллежи ва 12 та академик лицейда таҳсил олаётган 186400 нафар ўқувчининг эртага ўзи хоҳлаган ташкилотда иш билан таъминланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. 2011-2012 ўқув йилида ушбу муассасаларни тугатган 58155 нафар битирувчининг 79 фоизи иш билан таъминлангани ҳам юқорида тилга олинган ҳамкорликнинг ҳаётий ифодасидир. Зеро, О'zLiDePнинг Сайловолди платформасида белгилаб қўйилганидек, партиянинг устувор вазифаларидан бири — ёшларнинг ижтимоий фаолиятини ошириш, улар учун касбий, ижодий ва мансаб пиллапоярларидан ўсишга имкониятлар яратишдир.

## ЮРАКНИ КЎЧИРИШ ИМКОНИ БОР

Миллий матбуот марказида «Ўзбекистонда кардиохирургия соҳасида эришилаётган ютуқлар, мазкур йўналиш бўйича иختисослаштирилган даволаш муассасаларининг замонавий кўриниш олаётгани ҳамда истиқболли режалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда тиббиёт муассасаларининг мамлакатимизда яратилган мукамал тармоғи, жумладан, мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида академик В.Воҳидов номдаги республика иختисослаштирилган хирургия марказида курилиб, фойдаланишга топширилган янги кардиохирургия мажмуасининг кенг имкониятлари ҳақида афрофлича маълумот берилди.

— Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган марказда ўткир миокард инфаркти, буйрак томirlарининг шикастланиши, қорин бўшлиғи, кўл-оёқ қон-томир тизими касалликлари бўйича мураккаб операцияларни амалга ошириш усуллари пухта ўзлаштирилди, — дейди соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров. — Аҳамиятлиси, кўпгина жаррохлик амалиётлари юрак очилган ҳолда, шунингдек, у ишлаб турган пайтда сунъий қон айлантириш аппаратида уланмай амалга ошириляпти. Шу ўринда марказда юракни трансплантация қилиш учун ҳам барча имкониятлар яратилганини айтиб ўтиш жоиз. Фақат масаланинг баъзи ҳуқуқий-меърий жиҳатларини ҳал этиш қолган, холос. Хусусан, айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари одам органларини кўчириб ўтказиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилмоқдалар.

# ПАРЛАМЕНТДА

## Глоблалашув жараёнлари ва миллий иқтисодиёт

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ҚҶМИТАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ДАВРА СУҲБАТИ «ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ»ГА БАҒИШЛАНДИ



### Ўз мухбиримиз

Йиғилишда таъкидланганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози аксарият давлатларга салбий таъсир кўрсатиб, мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият юзага келган, айниқса, бюджет тақчиллигини кучайтириш, ишсизлик даражасининг ортishi каби муаммолар пайдо бўлган бир пайтда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилган иқтисодий ўзгаришларни изчил таъминлаш имконини берди.

— Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида қабул қилингани корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, юқори унумли технологияларни амалиётга таъбиқ этиш, жаҳон бозоридagi конъюнктуравий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда экспортга махсулот чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кенг йўл очиб берди, — деди қўмита раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Бахтиёр Иминов.

— Бундан ташқари, айланма маблағларни тўлдирish учун имтиёзли кредитлар ажратиш, тўлов муддати ўтган қарзларни реструктуризация қилиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар масаласида преференциялар берилиши қай даражада ўзини оқлаганини бугунги натижалар ҳам кўрсатиб турибди.

— Ўзбекистонда оқилона бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатининг олиб борилгани натижасида Давлат бюджети 2005 йилдан буён профитит билан ижро этилмоқда, — деди молия вазири ўринбосари Муҳиб Мирзаев. — Иқтисодий бориш тенденцияси изчил давом этириляпти. Тижорат банкларининг солиқлик ва капиталлаштириш даражасини оширишга қаратилган чоралар улار барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу ўринда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича олиб борилган тизимли ишлар экспорт салоҳияти ортishi ва ташқи савдонинг ижобий томонига ўзгаришга олиб келганини айтиш зарур.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши атиги 14,2 фоизни ташкил

этган бўлса, 2011 йили бу кўрсаткич 24,1 фоизга етди. 2011 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2000 йилга нисбатан 1,8 баробарга ошди. Ялпи ички маҳсулот таркибидa кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайиб бораётганини кўйидаги рақамлар ҳам кўрсатиб турибди. Хусусан, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил қилган бўлса, ўтган йили 54 фоизга етганлиги реал секторнинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги аҳамияти ошиб бораётганига далиллар.

— Жорий йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 30,6 фоизга ошди, — деди Марказий банк раиси ўринбосари Шухрат Хайдаров. — Шу билан бирга, узок муддатли инвестицион кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши 79,1 фоизни ташкил этди. Кези келганда, 2012 йилдаги жами кредит портфелининг 85,8 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилганига эътибор қаратиш лозим. Чунки 2000 йилда бу жараённинг 54 фоизи ташқи қарзлар эвазига амалга оширилган эди.

Давра суҳбатида глоблалашув жараёнида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъ-

минлаш борасидаги таркибий ўзгаришларни изчил давом этириш ва экспорт салоҳиятини янада ошириш, ички бозорни сифатли, арзон ва харидорғир маҳсулотлар билан тўлдирish, қишлоқларда турмуш фаровонлигини ошириш борасида амалга ошириладиган ишларни жадаллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш вазифалари муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратилди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишда муҳим ўрин эгаллайди, — деди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Қувондиқ Ҳамзаев. — Бу борда демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш йўналишида бугунгача олиб борилган ишлар, унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган «Риэторлик фаолияти тўғрисида», «Кредит аҳбороти алмашинуви тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» (янги таҳрирда), «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг нечоғли роль ўйнаётгани ҳаммамизга яхши маълум.

Концепцияда илгари сурилган яна бир муҳим соҳа — бу бозор инфратузилмасини жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш ҳамда молиявий хизматлар бозорини янада ривожлантиришдан иборатдир. Бу ҳақда гапирганда, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган «Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси айнан шу мақсадга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Давра суҳбати давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қўмитанинг тегишли тақлиф ва тавсиялари ишлаб чиқилди.



## Ўзбекистон жаҳон бозорига яқин йўл орқали чикмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада <<

Озод РАҲАБОВ, «XXI ASR»

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган «Минтақа мамлакатларининг янги коммуникация йўналишлари (транспорт йўлаклари) орқали жаҳон бозорига қиқши масалалари» мавзусидаги семинарда шундай маълумотлар тилга олинди.

Маълумки, юртимизда амалга ошириладиган изчил ислохотлар натижасида автомобилсозлик, электротехника, газ-кимё, фармацевтика, машинасозлик каби янги тармоқлар, тўқимачилик, мебель ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш сингари соҳалар ривожлантирилиб, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг саноат марказига айланди.

— Кейинги 10 йил мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 7-9 фоизни, экспорт ҳажми эса ўртача 30 фоизни ташкил қилди, — деди қўмита раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Собир Жабборов. — Ўз навбатида, ташқи савдонинг барқарор ўсиши республиканинг транспорт-коммуникация мажмуини жадал ривожлантириш, унинг транзит салоҳиятини янада ошириш, шунингдек, халқаро транспорт йўлакларини диверсификация қилишни талаб этапти. Шунинг учун ҳам бу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, халқаро транспорт коммуникациялари ва интеграциялашув жараёнининг ҳуқуқий базасини шакллантириш борасидаги аниқ мақсадли тадбирлар кутилган саноат бера бошлади. Айни пайтда Ўзбекистонда 20 та халқаро транспорт йўлаги бўлиб, Бухоро вилояти ҳудудида кесилган йўлга йирик (Е-40 ва Е-60) автомобиль йўли Фарбий Европа билан Шарқий Осиёни боғлаб турибди.

— Шимоли-ғарбдан Бейнау, жанубидан Олот, жанубдан Термиз ва шарқий томондан Ўш орқали қўшни давлатларга чиқадиган миллий автомагистралнинг умумий узунлиги 2 минг 755 километрдан иборат, — деди Молия вазирлиги ҳузуридаги йўл жамғармаси бўлим бошлиғи Шухрат Давлатаров. — Агар 90-йиллар бошида Ўзбекистоннинг экспорт-импорт юкларини ташийш асосан шимолий йўналишдаги 2 та транспорт йўлаги орқали амалга оширилган бўлса, бугун ташқи савдо юкларини 10 га яқин йўналишлар орқали жаҳон бозорига етказиш имкониятига эгамиз. Натижада экспорт-импорт юкларининг 50 фоизидан ортigi аънавий йўлақларга нисбатан қулай бўлган муқобил йўллар орқали ташилмоқда.

Семинар иштирокчиларининг таъкидлашича, Азербайжон, Грузия ва Туркия ҳамкорлигидаги «Баку-Тбилиси-Ахалкалаки-Карс» темир йўли қурилишининг яқин келажақда яқунлигини Ўзбекистоннинг экспорт юкларини денгиз портларига ва «Мармарай» туннели орқали Европага тўғридан-тўғри ташийш имконини яратди.

— Мамлакатимизда янги автомобиль ва темир йўлларни қуриш, мавжуд транзит йўналишларини халқаро стандартлар асосида реконструкциялаш, темир йўлларни электрлаштириш ва ҳаракатланувчи таркибни янгилаш, халқаро логистика марказлари ва терминаллар барпо этиш бўйича ҳам қатор

лоийҳалар амалга оширилмоқда, — деди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмоилов. — Жумладан, «Навоий-Учкудук-Султонувайист-Нукус» ва «Тошғузур-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўлларини қуриш бўйича босқичма-босқич амалга оширилган лойиҳалар нафақат Ўзбекистоннинг жанубий, шимолий ва марказий ҳудудлари ўртасида узлуксиз темир йўл алоқасини таъминлади, балки мазкур ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида ҳам муҳим омил бўлди.

Кейинги беш йил давомида фақатгина Афғонистонга ташилётган юк ҳажми йилига 10 фоизга ошганлигини инобатга олсак, темирйўлчиларимиз томонидан Афғонистон ҳудудидa муваффақиятли амалга оширилган «Хайратон-Мозори Шариф» янги темир йўлининг аҳамияти янада ёрқин намён бўлади.

Шу ўринда Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, жами 2306 километр автомобиль йўли ҳамда 1910 погонometr узунликдаги кўприк ва йўл ўтказгичлар қуриш кўзда тутилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Ўзбекистонда логистика марказларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги транспорт бошқармаси бошлиғи Абдусамал Муминов. — Хусусан, «Навоий халқаро интермодал логистика маркази», «Ангрен логистика маркази», шунингдек, пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги «Тошкент логистика маркази»ни барпо этиш ва ривожлантиришга хизмат қиладиган лойиҳалар мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини ошириш ва бундай имкониятлардан тўлақонли фойдаланишга муҳим ўрин тутди.

Маълумки, ҳозирда Навоий аэропорти орқали Милан, Брюссель, Шанхай, Дехли, Мумбаи, Бангкок, Франкфурт, Дакка ва Истамбул йўналишларида юк ташувлари амалга оширилмоқда. Дубай ва Москва, Алматы йўналишларида ҳам ташувларни ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

Илмий-амалий семинар иштирокчилари мамлакат манфаатидан келиб чиққан ҳолда транспорт йўлақларини шакллантириш масалаларини қамраб олган, Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Уммон-Қатар ва Форс кўрфазининг бошқа мамлакатлари орқали ўтказилган транспорт йўлагини ташкил этишга доир халқаро битимни тузиш ташаббусида алоҳида эътибор қаратилди. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур транспорт йўлаги Марказий Осиё билан Форс кўрфазини мамлакатларини яқин йўл орқали боғлаш билан ҳам ниятда муҳимдир.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятини янада ошириш, транспорт хизмати экспорт ҳажми ўсишини таъминлаш борасида фикр-мулоҳаза билдирилиб, соҳанинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш зарурияти вужудга келгани таъкидланди ва муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

### ТЕХНОПАРК — ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР МАЖМУИ

Наманган вилоятида техник саноат мажмуаси — Технопарк ишга тушди.

— Мазкур лойиҳа тадбиркорликни янада ривожлантириш, тўлиқ қувват билан ишламаётган йирик саноат корхоналари базасидан унумли фойдаланиб, янги иш ўринларини яратиш, маҳсулот турларини кўпайтириш борасида кенг имкониятлар очди, — дейди Наманган шаҳар ҳокимлиги қошидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси раҳбари Рустамжон Исоқов. — Технопаркда тадбиркорлик субъектларини саноат майдонлари билан таъминлаш, ортқиқ сарф-харажатларга барҳам бериш, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни бир ерга жамлаб, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш кўзда тутилган.

Лойиҳани амалга ошириш учун аввалига шаҳардаги тўла қувват билан ишламаётган саноат корхоналари тасарруфидaги бўш майдонлар ҳисобга олинди ва улар ҳақда маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали эълон берилди. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан бизнес-лоийҳалар билан мурожаат қиладиган субъектлар бирлаштирилиб, «Муштарий Интернэшнл ЛТД» қўшма корхонаси базасида илк технопарк ташкил этилди.

Мазкур корхонанинг қарийб 8500 квадрат метрлик бўш турган майдони таъмирланиб, 30 дан зиёд ишлаб чиқариш субъектлари жойлаштирилди. Мазкур субъектлар томонидан қисқа муддат ичида уч миллион сўмдан зиёд сармоя жалб қилиниб, энг замонавий ишлаб чиқариш ускуналари ўрнатилди. Бугунги кунда мажмуада эркаклар костюм-шимлари, пальто, болалар кийимлари, пойабзал, замонавий пардалар тиқиш, темир эшик ва дарвозалар ишлаб чиқариш цехлари, машиий техникалар, уяли алоқа ҳамда интернет хизматларини кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Бинонинг биринчи қаватида, шу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сотиш имкониятлари ҳисобга олиниб, халқ истеъмол моллари, озиқ-овқат дўконлари, дорихона, ошхона ҳамда новойҳона ташкил этилгани аҳолига гоят манзур бўлди.

Технопарк очилиши муносабати билан 455 янги иш ўрни яратилиб, уларда асосан хотин-қизлар, коллеж битирувчилари иш билан таъминланди.

**А. САТТОРОВ, 93А мухбири.**

### ХҲРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

#### «ARSH SAVDO — ELIT» МЧЖ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдосига Андижон вилояти, Андижон шаҳри, А.Хайдаров кўчаси, 53-уйда жойлашган «Андижон ҳудудий электр тармоқлари» очик акциядорлик жамиятининг 23.10.2012 йилдаги 31-03/3224-сонли алоқа хатига асосан, «Андижон ҳудудий электр тармоқлари» очик акциядорлик жамиятига қарашли 1996 йилда ишлаб чиқарилган «ДАМАС» русумли (давлат белгиси 17 А1 414) автотранспорт воситаси 1035259 (Бир миллион ўттиз беш минг икки юз эллик тўққиз) сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2012 йил 3 декабрь куни соат 11.00 да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда тақрорий аукцион савдоси 2012 йил 5,6,7 декабрь кунлари соат 11.00 да Андижон шаҳар, А.Навоий шох кўчаси, 30-уй, 215-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдоридa гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг 2020800904456131001 ҳисоб рақамига (МФО: 00074, ИНН: 205987298) тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) ва аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) соат олдин 10.00 га қадар Андижон шаҳар, А.Навоий кўчаси, 30-уй 215-хонада қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низоми ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиши лозим.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетасининг 11.10.2012 йилдаги 41 (465)-сонидa чоп этилган «ARSH SAVDO-ELIT» МЧЖ томонидан берилган эълондаги Андижон вилояти, Андижон шаҳар, Окровот кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Андижон вилоят бошқармасига қарашли автотранспорт воситаларининг аукцион савдоси тўхтатилганини маълум қилмади.

Манзилимиз: Андижон шаҳар, А.Навоий шох кўчаси, 30-уй, 215-хона  
Қўшимча маълумот учун тел: (+99891) 606-88-81, (+99890) 269-88-81.  
Гувоҳнома №00126

# ЖАРАЁН

## Депутатлар нега сукут сақламоқдалар?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Сайфулла ИКРОМОВ,  
«XXI ASR»

— Президентимизнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида қайд этилган хато ва камчиликларни тузатиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида махсус чора-тадбирлар амалга оширилди, — дейди туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Алишер Мейлимурадov. — Утган 9 ой мобайнида 148 та тadbиркорлик субъекти иш бошлади. Туман иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли бандлигини ошириш мақсадида жорий йилнинг олти ойида sanoat, savdo ва хизмат кўрсатиш, паррандачилик, иссиқхона, балиқчиликни ривожлантириш мақсадида 160 дан ортиқ тadbиркорлик субъектларини ишга тушириш юзасидан дастур тайёрлаб, ҳозирга қадар уларнинг асосий қисми ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Помуқ қўрғончасида «Помуқ текстиль» масъулияти чекланган жамияти ишга тушгач, 130 нафар йигит-қиз учун янги иш ўрни яратилди. Фермер Дурдона Одилова банкдан ажратилган кредит эвазига 60 бош зотдор чорва моллар харид қилди. Тadbиркор Ашурбой Шариповнинг гўштини қайта ишлаш цехи ҳам ҳадемай ишга тушади. Зафарбек Абдугафоров 210 млн. сўм кредит олиб, мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида Янги Миришкор шаҳарчасида 12 турдаги хизмат кўрсатиш шохобчаси, 30 ўринли замонавий меҳмонхона, Жейнов шаҳарчасида эса 14 турдаги хизмат кўрсатиш шохобчаси қурилиши давом этмоқда. Маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида 11 та sanoat, қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги корхоналар иш бошлади. Тadbиркор Фарҳод Сариковнинг бир йилда 5 млн. донга фиш ишлаб чиқариш қувватига эга корхонаси маҳсулот бера бошлади.

Шу ўринда жорий йилда бир қатор қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 23-сонли мактаб ва Миришкор sanoat касб-хунар коллежи би-



нолари капитал таъмирланди, Ирригация ва мелиорация коллежи талабалари учун ётоқхона, 33-сонли янги мактабда спорт зали, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бунёд этилди. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида 22 та «Ми-дубус ISUZU SAZ NP» русумли автобуслар келтириш учун шартномалар имзоланди.

Туманда 19100 та деҳқон хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. 755 та фермер хўжалигида 11003 нафар киши иш билан банд.

— Юртбошимиз вилоятимизга таширлари чоғида Қашқадарё катта иқтисодий салоҳият, улкан имкониятларга эга эканини таъкидлаган эдилар, — дейди «ФАМ» фермер хўжалиги раиси Амир Файзиев. — 21 йилдан буён фермерлик қиламан. Фермерликнинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётининг янада барқарор ривожланишига, энг муҳими, аҳоли турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилмоқда. Хўжалигимизда деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик ривожлантирилмоқда. Ҳар гектардан 40-50 центнердан пахта ҳосили етиштирялмиш. 300 бош «Голдштейн» қора ола зотли молларни зооветеринария талаблари асосида парваришлялмиш. Самарқанд ва Сурхондарё ви-

лоятлари фермерларига 30 бош ситир сотдик. Айни пайтда йилга 300 тонна сут ва 50 тонна гўшт ишлаб чиқараялмиш.

Ҳақиқатан ҳам А.Файзиев таъкидлаганидек, ислохотлар самардорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан тadbиркорликни ривожлантириш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқдир. Аммо Миришкор туманида хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар ташкил этиш борасидаги ишлар етарлича эмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Масалан, худудда атир совун ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхона ташкил этилган эди. Бироқ ҳозиргача у маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмади. Шу ўринда мавжуд ички имкониятлардан самарали фойдаланиб, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб, ракоббатбардош ва экспортбоп маҳсулотлари билан жаҳон бозоридан ўз ўрнини топишга интилаётган туман тadbиркорларининг янги-янги ташаббусларини қўллаб-қувватлашда сиёсий партиялардан сайланган депутатлар сукут сақлаётганликларини афсус билан тилга олиш мумкин.

Айни пайтда туман кенгашида 30 депутат бўлиб, уларнинг 13

нафари O'zLiDeP, 12 нафари ХДП, 5 нафари эса МТДПдан сайланган. Аммо ўтган даврда туман кенгашидаги бирорта ҳам депутат сессияларга янги иш ўринлари ташкил этиш, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш борасидаги масалаларни киритмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Зеро, туманда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш, янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш бўйича вилоят ва туман ҳокимлиги томонидан илҳомий ишлар олиб борилапти. Эндилкида туманнинг ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун буюм куч-ғайрат, билим ва тажрибани ишга солиш талаб этилади. Бу борда халқ ишонч билдирган депутатлар туманда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида томошабин эмас, балки ҳақиқий иштирокчилар, жонқуярларга айлансалар фаровонликнинг янада ошишига ҳисса қўшган бўлардилар.

## Ҳамкорликнинг амалий ифодаси

МАМЛАКАТИМИЗДА КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЕТУК, МАЛАКАЛИ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ЙИЛ САЙИН КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ЧУНКИ УЛАР...

Носир ТОШЕВ,  
«XXI ASR»

Ҳар сафар бу кўркам, замонавий иншоот олдида ўтарканман, ўзимча ўйлайман: «Инсоннинг мўъжизакор қўллари нималарга қодир эмас? У истаса, тоғларни талқон қилиб, қоқ саҳрони жаннатга айлантира олади. Яқин вақтларгача мана бу жойлар ҳам ўт-ўлан босган, қаровсиз бир макон эди. Энди-чи, кўрганнинг кўзи қувнайди. Атроф озода, ям-яшил. Ҳаммадан ҳам ушбу даргоҳнинг ёш соҳиблари бўлган талабаларнинг қувонч ва ҳаяжонини айтмайсизми? Улар назарий ва амалий машғулотларни юқори савияда ўтказиб, техника сирларини пухта эгаллашга ҳаракат қилишмоқда. Зеро, бугунги талаба — эртанги мутахассис, демакдир».

Эслаб ўтайлик: сўзимиз яқинда пойтахтимизда иш бошлаган Тошкент касб-хунар маркази ҳақида. Малакали мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган ушбу даргоҳ Вазирилар Мақамасининг 2007 йил 13 сентябрдаги 170-сонли қарори асосида ташкил этилган бўлиб, унинг лойиҳа баҳоси 4 млн. АҚШ долларига тенгдир. Мълумки, Ўзбекистоннинг Жанубий Корея билан savdo-иқтисодий алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Яқинда ушбу давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганига йигирма йил тўлди. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги техника ва технологияларни амалиётга жорий этиш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда Корея халқаро майдонда муқтадир субъект саналган Ўзбекистондан бегараз ёрдамини аямаяпти. Бир ҳисобда пойтахтимизда барпо этилган янги ўқув маркази ҳам ҳар икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг амалий ифодасидир, десак асло хато қилмаймиз. Зеро, иншоот Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги билан ҳамкорликда молиялаштирилди ва жиҳозланди.

Айни кунда бу ерда 300 дан зиёд ёшлар таҳсил олиб, техника сирларини пухта эгаллашмоқда. Уларга Асрор Солиқов, Баҳодир Неъматуллаев, Умид Қоқоқов, Акмал Ганиев каби 20 га яқин тажрибали ўқитувчилар, ишлаб чиқариш усталари сабоқ беришапти. Янги касб-хунар маскани ўз таълим йўналиши бўйича ҳозирча республикада яннадир, десак адашмаймиз. Бу ерда тартиб-интизом қаттиқ; машғулотлар орасида «узилиш» бўлишига йўл қўйилмайди. Шу тўғрисида ўзлаштиришда юқори натижаларга эришилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўқитувчи ва мутахассисларнинг ақсарияти Кореяда бўлиб, ўз соҳалари бўйича малака ошириб қайтишган. Яқин орада марказ қошида инглиз ва корей тилларини ўқитишга ихтисослашган янги курсларни очиб режалаштирилмоқда.

Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) президенти, жаноб Пак Де Вон, жумладан, шундай дейди:

— Ўзбек ва корей халқларини мустақам бир ришта боғлаб туради. Бу ҳам бўлса, қадимий дўстлик ва яқин ҳамкорликдир. Биз мамлакатингиз келажагига катта ишонч билан қараймиз. Ўзбекистон Президент Ислам Каримов раҳнамолигида йилдан-йилга юксалиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгалламоқда. Хусусан, унинг шу йил 19-21 сентябрь кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи барчаси учун унутулмас воқеа бўлди. Ташриф давомида жаҳон ҳамжамиятини ўйлантираётган дол-

зарб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилиб, икки томонлама стратегик шерикликнинг янги истиқболлари белгилаб олинди. Сизларда баркамол авлод тарбиясига давлат даражасида эътибор қаратилаётганидан яхши хабардоримиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки эртанги куннинг пойдеворини асосан ёшлар яратади. Демак, уларга ишониб ва имконият яратиб бериш керак. Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтириш, унинг дунёвий маъқеини оширишга муносиб ҳисса қўшаётганимиздан беҳад мамнунимиз. Тошкент касб-хунар маркази эса мамлакатингиз мустақиллигининг 21 йиллигига бизнинг камтарин туҳфамиздир.

Бу гапларга изоҳ ортиқча, деб ўйлаймиз. Чиндан ҳам тарихан қисқа давр мобайнида оғир ва шарафли йўлни босиб ўтишга тўғри келди. Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик учун кенг йўл очиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зарур имтиёз ва преференциялар бериш мавжуд молиявий-иқтисодий муаммоларни оқилона ҳал этиш имконини яратмоқда. Шунини айтиш керакки, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш кўп жиҳатдан малакали кадрларга боғлиқдир. Юртимизда уларнинг билим ва маҳоратини оширишга алоҳида маъсулият билан ёндашилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, касб-хунари инсон ҳеч қачон, ҳеч қачонда хор бўлмайди. Биз сўз юритаётган даргоҳда ўқини асосан бепул. Ёшлар қисқа муддат — ўн ой орасида танлаган соҳалари бўйича етук мутахассис сифатида шаклланиб, ишлаб чиқаришга йўланма олади.

— Бизда таълим жараёни илгор, замонавий технологияга асосланган, — дейди марказ раҳбарининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Фарҳод Солиқов. — Машғулотларнинг ўттиз уч нафарий асосда ўтказилса, етмиш фоизи бевосита амалиёт билан боғлаб олиб борилади. Биласиз, бугун мамлакатимизда электротехника ва автомобилсозлик sanoati жадал ривожланмоқда. Бу эса соҳа ходимларига бўлган талаб-эҳтиёжни тобора ошираяпти. Замондан орқанда қолишга ҳаққимиз йўқ. Шуларни назарда тутиб, биз қатъий иш режамизни белгилаб олдик. Айни кунда марказда автомобилларга техника хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш, электроника ва электротехника, машинасозликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, ахборот технологиялари каби йўналишлар бўйича компьютер дастурчилар, ихтисосли мутахассис ва дизайнерлар тайёрланмоқда. Улар республикамизнинг турли худудларидан ташриф буюрган бўлиб, ўқини ва яшаш учун етарли шарт-шароит билан таъминланган. Юз ўринли ётоқхона талаба-ёшлар хизматида. KOICA агентлиги марказимизни зарур ўқув жиҳозлари, жумладан, замонавий компьютерлар, ишлаб чиқариш ускуналари, техника макетлар билан таъминлаган. Буларнинг барчаси ёшларимизнинг пухта билим олишлари учун хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Назарий машғулотларни амалиётдан айри тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Бошқача айтганда, улар бир олманнинг икки палласидир. Малакали кадрлар ҳамма жойда ҳам керак. Шу боис ўқув марказида тайёрланаётган мутахассисларга пойтахтимиздаги корхона ва ташкилотлардан хозирдан оқиб қўллаб-қувватлаш тушмоқда. Демак, ҳамкорлик муносабатлари давом этади. Бу эса ишлаб чиқаришни юксалтиришга хизмат қилиб, ҳар икки томон учун янада салмоқли натижалар келтириши шубҳасиздир.

## Кам бўлманг, Хурсанд опа

ҲАЛОМ МЕҲНАТНИНГ НОНИ ШИРИН ЭКАНИНИ БУХОРОНИНГ СОҲИБКОР ҚИШЛОҒИДАГИ «АНОРИ ҒУРБУН» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ, O'ZLIDER АЪЗОСИ ХУРСАНД РАҲМОНОВА ЎЗ ТАЖРИБАСИДАН ЯХШИ БИЛАДИ

Асхор ИСТАМОВ,  
«XXI ASR»

Мустақиллик шарофати билан тadbиркорлик ва фермерлик ҳаракати учун кенг йўл очилганлиги кўпгина юртдошларимиз учун айни муддао бўлди. Хурсанд Раҳмонова ҳам бундан руҳланиб, 6 йил аввал оила аъзолари билан биргаликда «Анори ғурбун» фермер хўжалигини ташкил этди ва изчил фаолият юрита бошлади.

Дастлаб жами экин майдони 1,8 гектар бўлган «Анори ғурбун»нинг ерлари бутун 4,2 гектарга етди. Ишлаб чиқариш соҳасидаги кўрсаткичлар ҳам юқори. Фермер хўжалиги аъзоларининг гайрат-шижоати билан ҳозирги пайтда бу ерда 12 турдаги маҳсулот етиштирилмоқда. Турли хилдаги сабзавотлар, помидор, картошка, пивёз, бақлажон, булғор қалампир ва анор етиштирилмоқда. Аҳолиси 5-6 мингга етадиган «Соҳибкор» ҚФЙ худудидан бугун энг пешқадам фермер аёллардан бири, ҳеч

муболагасиз, Хурсанд Раҳмонова, десак асло хато қилмаймиз. Бухгалтерия ва деҳқончилик соҳасидаги кўп йиллик иш тажрибаси, миришкор деҳқонлардан олган маслаҳатлари унга жуда қўл келмоқда. Айтиш керакки, хўжаликнинг фаолият доираси кенг. 20 сотихдан иборат иссиқхонада помидор етиштирилса, 1 гектарли олмасор, лавлагичилик, 0,5 гектар майдондаги боғ-тоқзор ҳам хўжаликка каттагина даромад келтирляпти. Фермер хўжалиги худудидан сув ҳавзасида йўлга қўйилган балиқчиликни айтмайсизми! Аҳоли дастурхонини нафақат сабзавот, балки пархез балиқ маҳсулотлари билан таъминлашни дилга туккан фидойилар кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилмоқдалар.

Меҳнат ва изланиш самаралари кўзга яққол ташланиб турибди. Фермер хўжалиги ташкил этилган 2006 йилда 32 миллион сўм даромадга эришилган, унинг 15 миллион 600 минг сўми соф фойда бўлса, жорий йилга келиб бу кўрсаткич янада салмоқли бўлди. 2011 йил якуни бўйича «Анори ғур-

бун»да даромад қарийб 40 миллион сўмга, соф фойда эса наҳд 20 миллион сўмга етди. Бу ҳам, шубҳасиз, мустақилликнинг яна бир шарофатидир.

— Мамлакатимиз пахтакорлардан 2012 йилги пахта тайёрлаш шартнома режасини ошиғи билан бажарнади, — дейди Х.Раҳмонова. — Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнатқилларига табрик хати йўллаб, уларни эришилган катта галаба билан самимий табриқлади. Бундан бошимиз осмонга етди. Табрик хатида, айниқса, биз — фермерлар меҳнати юксак эътироф этилгани ва уларга катта ишонч билдирилгани таҳсинга лойиқдир. Президентимизнинг самимий сўзларидан руҳланиб, янгидан-янги марраларни забт этишга, деҳқончилик маданиятини янада оширишга интилялмиш. Ишонимизки, табрик хатида баён қилинган фикрлар, йўл-йўриқ ва кўрсатмалар, биз, агросаноат тизими ходимларининг кейинги фаолияти учун ҳаракат дастури бўлиб хизмат қилади.

Фермер хўжалиги ўзининг сифатли маҳсулотлари, хусусан, ширин ва тотли анорлари билан ном чиқарган. Шу боис харидорлар сафи кун сайин кўпаймоқда. Эришилаётган ютуқлар замирида, шубҳасиз, фидокорона меҳнат, изланиш ва ҳамжиҳатлик ётади. Бу анъанавий «Ташаббус» кўрик-танловларида муносиб равишда эътироф этилмоқда. 2009 йилда вилоят миқёсида ўтказилган ана шундай нуфузли танловда фермер хўжалиги аъзолари «Энг яхши инновацион лойиҳа» номинацияси бўйича голиб чиққан бўлса, 2010 йилда ҳам ана шундай эътирофга лойиқ қўрилди. «Ташаббус-2011» кўрик-танловининг вилоят босқичида Хурсанд Раҳмонова «Энг яхши тadbиркор аёл» сифатида тан олинди, тегишли диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланганлиги янада қувончлидир.

Фидойи ва тиниб-тинчимас фермер ўз назарий билимларини доимо бойитиб боришга, давр билан ҳамқadam бўлишга интимоқда.

## МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАСИ

Наманган вилоятида ташқи savdo алоқаларини кенгайтириш борасидаги ишлар ўз самарасини бераётди. Жорий йилда экспорт қилинган маҳсулот миқдори 60 миллион АҚШ долларидан ошди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 фоиз кўпдир.

Бунда вилоятдаги кўплаб корхоналарда тегишли дастурлар асосида амалга оширилаётган модернизация ҳамда маҳаллийлаштириш ишлари муҳим омили бўлмоқда. Хусусан, Чуст шаҳридаги «Styletextile» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш бўйича яна бир лойиҳа амалга оширилди. Маазкур корхона вилоят экспорт салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётди. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхонада ишлаб чиқарилаётган трикотаж кийим-кечаклар сифати ва замонавий дизайни билан тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Бугунги кунда ишлаб чиқараётган маҳсулотини тўла экспорт қилаётган ушбу корхонага, ташқи бозорнинг ўсиб бораётган талабларидан келиб чиққан ҳолда, 150 минг АҚШ доллар миқдорига инвестиция йўналтирилди ва Австриянинг матога безак берувчи замонавий технологик линияси ўрнатилди. Бу эса маҳсулотлар дизайнини такомиллаштириш имкониятини янада кенгайтирди.

Корхонада модернизация жараёнидан сўнг ишлаб чиқариш қуввати ортиб, ишловчилар сони 110 нафарга етди. Натижада, жорий йил бошидан буён ташқи бозорга 1,4 миллион долларликдан зиёд трикотаж маҳсулотлари чиқарилди.

А.САТТОРОВ, ҲаА мухбири

# ХУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Жиззах вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурига асосан жорий йилнинг ўзига тижорат банклари томонидан 125,3 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, кўплаб янги корхоналар ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди. 411,5 миллиард сўмлик sanoat махсулотлари ишлаб чиқарилди.

## O`zLiDeP дастурлари қандай натижа бермоқда?

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА БЎЛГАНДЕК, ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ҲАМ ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ, СОҲАНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурига асосан жорий йилнинг ўзига тижорат банклари томонидан 125,3 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, кўплаб янги корхоналар ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди. 411,5 миллиард сўмлик sanoat махсулотлари ишлаб чиқарилди.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳисобига кичик бизнес субъектлари сони 7827 тага етди. Уларнинг ялпи ҳудудий махсулотдаги улуши эса 80 фоиздан ошди. Бу кўрсаткич sanoat соҳасида 43,9 фоиз, қишлоқ хўжалигида 99,8, қурилишда 89,4 фоиздан иборат. Яратилган жами иш ўринларининг 70,1 фоизи ёки 24 минг 487 таси айнан хусусий сектор ҳиссасига тўғри келаяпти.

— Соғлом рақобат, тадбиркорлар учун яратилган қўлай шарт-шароит ва имтиёзлар натижасида ўз бизнесимизга эга бўлиш, — дейди Жиззах туманидаги «Zarista Tex» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мамирбек Эргашев. — Утпан йили ўз маблагимиздан ташқари 520 миллион сўмлик банк кредити ҳисобига Тоқчилик қишлоғида йилига 2 миллион дона трикотаж махсулотлари ишлаб чиқарадиган тикувчилик корхонаси очиб, болалар ва катталар учун кийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эдик. Айни пайтда бу ерда 100 дан ортиқ киши доимий иш билан таъминланган.

Махсулотларимиз дастлаб маҳаллий бозорда сотилган бўлса, эндиликда хорижга экспорт қилинмоқда. Жумладан, россиялик буюртмачиларга ҳар ойда 180-200 минг АҚШ доллари қийматидаги махсулот етказиб берилаяпти.

Жиззахнинг иқтисодий истиқбол ҳақида сўз кетганида, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, sanoat салоҳиятини юксалтириш ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мисол учун, 2013-2015 йилларда озиқ-овқат ва нооziқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида 2500 та sanoat корхонаси ишга туширилишини, бунинг учун 550 миллиард сўм маблағ сарфланишини айтиш мумкин. Албатта, бу борадagi режаларни ҳаётга табиқ этишда O`zLiDeP аъзолари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бугун вилоятда O`zLiDePнинг 8074 аъзосини бирлаштирган 398 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, улар ишини самарали ташкил этиш мақсадида мунтазам мониторинг олиб борилаяпти. O`zLiDeP вилоят кенгаши мутасаддиларининг фикрича, жорий йилнинг ўтган даврида БПТлар томонидан 42 та давра суҳбати, учрашув ҳамда турли мавзуларда ўқув-семинарлар ўтказилган. Ҳисобот-сўблов йилликларида 313 БПТ раиси қайта, 85 нафари эса янгидан сай-



ланди. Шунингдек, 260 нафар ишбилармон, тадбиркор, фермер ва фаол ёшлар партия аъзоллигига қабул қилинган.

Депутатлик гуруҳлари аъзолари эса айни пайтда асосий эътиборни ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига қаратмоқдалар. Хусусан, жорий йилнинг 5 январида халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси депутатлик гуруҳининг ташаббуслари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси тасдиқланган эди.

Март ойида бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясида эса O`zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган яна бир

даланиш орқали озиқ-овқат махсулотлари етиштириш ҳажмининг янада кўпайтириш», «Зомин туманида 2012 йилда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ри-

қатланиш (7944,5 млн.сўм), транспорт (5479,8 млн.сўм), банк-молия (2219,9 млн.сўм), коммунал (23473,6 млн.сўм) ва бошқа хизматлар кўрсатилмоқда.

Холматов. — Партияимизнинг Зоминда хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш дастурини амалга ошириш ташаббуси маҳаллий тадбиркорлардан чиққани ҳам

Вилоятда 2012 йилнинг ўтган даврида ташкил этилган жами иш ўринларининг 70,1 фоизи ёки 24 минг 487 таси айнан хусусий сектор ҳиссасига тўғри келаяпти.

вожлантириш» дастурларини алоҳида тилга олиш мумкин. Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Нусрат Пардаевнинг таъкидлашича, шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликлари имкониятларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, озиқ-овқат махсу-

лук аҳолининг бу борадagi эҳтиёжи амалда 69006,1 миллион сўмини ташкил этади. Қўриқ турибдики, орадаги фарқ 20568,1 миллион сўм. Бу борадagi тафовутга барҳам бериш мақсадида O`zLiDeP фаолларининг туман ҳокимининг мутасаддилари билан ҳамкорликда амалга ошираётган дастурига кўра, жорий йилда хизмат

қувонарлидир. Уларнинг ўз юртини обод этишга бўлган ғайрат-шижоатини кўриб, электрот вакиллари янги ланишларнинг асосий юкнини зиммасига олгани ва унинг муваффақияти учун жавобгарликни теран ҳис қилаётганини аниқлаш қўйин эмас.

«2012 йилда Фаллаорол туманида шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликлари имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали озиқ-овқат махсулотлари етиштириш ҳажмининг янада кўпайтириш дастури» доирасида 2 сотих ер майдонида энгил конструкцияли, муқобил энергия манбаида ишлайдиган иссиқхоналарни бунёд этиш учун томорқа эгалари ҳисобидан 85 миллион сўм миқдорда маблағ сарфланди.

— Ушбу дастурнинг самарали амалга оширилиши натижасида йил якунигача туманда 49732,1 тонна сабзавот, 16675,6 тонна картошка ва 8681,6 тонна подлиз, 2931,0 тонна мева, 1719,2 тонна узум етиштирилди, — дейди вилоят кенгаши депутати Наргиза Намозбоева. — Уй хўжаликларидаги товуклар сони эса 6,2 мингга ортиб, аҳолининг бундай махсулотларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилади.

Хулоса қилиб айтганда, O`zLiDePнинг Сайловли платформасида белгилаб олинган вазибаларни амалга табиқ этишда партиявий лойиҳалар, йирик дастурлар аниқ натижалар бермоқда.



## Фаолликни «Аёллар қаноти»дан ўрганинг

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА «АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ, ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА МАВҚЕИНИ ОШИРИШ» БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ ВА МАВҚЕИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Айниқса, қишлоқ-лардаги опа-сингилларимизни иш билан таъминлаш, иқтисодий турли соҳаларида оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича билимини ошириш ва малакавий кўникмаларини мустақамлаш мақсадида тизимли ўқувлар ташкил этилди. Хусусий тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш учун молиявий ресурслар кўламини янада кенгайтириш мақсадида эса 38 та тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Жумладан, O`zLiDeP аъзоси Нодира Алимова раҳбарлик қилаётган «Қалб нури» аёллар ва уларнинг оилаларига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда «Аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш» лойиҳаси асосида ахборот-маслаҳат гуруҳлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат ноғижорат ташки-

лотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган грантлар танловида ушбу марказ «Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик асосларига ўргатиш» лойиҳасида иштирок этиб, 14,6 млн. сўмлик давлат грантига сазовор бўлганини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин.

Яқинда «Зомин сиҳатгоҳи»да яна бир муҳим тадбир — O`zLiDeP «Аёллар қаноти» ташаббуси билан «Кичик бизнеснинг катта имкониятлари» форуми доирасида «Ўзбекистонда миллий туризмини ривожлантириш истиқболлари: бугунги ҳолат ва амалий натижалар» мавзусида мулоқот ўтказилди. Унга 150 га яқин аёл ташриф буюриб, долзарб масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар. Учрашувда партия Сийсий Кенгаши Ижроия кўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари ҳамда туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркор аёллар иштирок этишди.



— Дунёда глобал муаммога айланган озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи бу борадa зарур чоралар кўриши тақозо этмоқда, — дейди O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Нурали Раимов. — Аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлашда тадбиркор ва фермерларга яратилган шароит, қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ўз вақтида ижро этилиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Фаолларимиз ташаббуси билан тайёрланган дастурга, энг аввало, ана шу нукта назардан ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

дастур муҳокама қилиниб, аҳолининг мева-миёв қўчатлар, уруғлик ва томорқа ишларида зарур бўладиган анжомларни сотиб олиши учун сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш, шунингдек, томорқа хўжаликлари ер майдонларидан самарали фойдаланишни тарғиб қилиш, микрокредитларга бўлган талабни аниқлаш ва унинг қондирилишини таъминлаш вазибалари маҳаллий ҳокимликлар ҳамда тегишли ташкилотлар зиммасига юклатилди.

Шу ўринда O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ва дастурлар орасида «2012 йилда Фаллаорол туманида шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликлари имкониятларидан самарали фой-

қурсатиш йўналишида 40 та кичик бизнес субъекти фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Мутахассисларнинг айтишича, дастурда сайёҳлик хизматини йўлга қўйишга ҳам жиддий эътибор қаратилган. Маълумки, табиатнинг беёминнат саховати бўлган Зомин ҳудудида ҳар йили минглаб одамлар дам олади. Шунинг учун ҳам дастурда бу ерга ташриф буюраётган меҳмонларга замона талаблари даражасида сайёҳлик хизмати кўрсатиш кўзда тутилган.



# ЭЪЛОН

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ, ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Сиз 2013 йилда ишлаб чиқарган маҳсулотингиз ва хизмат кўрсатиш турлари ҳақида 100 минг миқозга бепул маълумот тарқатишни истайсизми?  
Хар қандай тадбиркор инсоннинг бу саволга ҳа, дея жавоб қайтаришига ишонамиз.  
Унда (8-371) 215-60-45, 215-63-80, 261-40-17 телефонларига мурожаат қилинг!

**УНУТМАНГ, УШБУ АКЦИЯ ФАҚАТ 1 ДЕКАБРГАЧА АМАЛ ҚИЛАДИ.**

# СЎНГГИ САҲИФА

## Жаҳон сайёҳлик салоҳияти намойиши



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**Мадина УМАРОВА,**  
ЎЗА муҳбири

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозир дунёда туризм sanoatida 195 миллиондан зиёд киши хизмат қилади ва ушбу соҳанинг дунё бўйича йиллик пул айланмаси 900 миллиард АҚШ долларидан ошди. Жаҳон сайёҳлик sanoatida халқаро туризмдан тушадиган даромад автомобиль, нефть ва газ ишлаб чиқариш sanoatidan кейин учинчи ўринда туради.

Ўзбекистон сайёҳлик қўлами ва тарихий қадам-жолари қўлини бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган мамлакатимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган. Мамлакатимиздаги мустақкам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳам-жидатлик муҳити, дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик юртимизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда сайёҳлик соҳасининг ҳуқуқий асосларини изчил мустақкамлаб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазиirlar Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори туризм ва туристик инфратузилмани ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, миллий туристик хизматларни халқаро сайёҳлик бозорларига фаол киритишга хизмат қилади.

на фаолият олиб бормоқда. Мамлакатимизда сайёҳликнинг экотуризм, экстремал, маърифий, маданий ва жисмоний саёҳат каби турлари ҳам изчил ривожланмоқда. Сайёҳлар орасида альпинистлар, чанги

Мамлакатимиздаги мустақкам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик юртимизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

спортга қизиқувчилар кўпаймоқда. Ички туризмни ривожлантириш, худудларда тарихий-археологик ёдгорликларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини халқаро миқёсда кенг намойиш қилиши ва шу йўл билан сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш мақсадида «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан маркетинг лойиҳалари — мега-инфо-турлар ташкил этилмоқда.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Сайёҳлик факультети, Самарқанд

иқтисодиёт ва сервис ҳамда Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтларида сайёҳлик маркетинги ва менежментни, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторани

иқтисодиёт ва сервис ҳамда Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтларида сайёҳлик маркетинги ва менежментни, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторани

лакатларнинг икки юздан зиёд сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, мега-инфо-турлар лойиҳаси Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар сонини 2012 йил якуни бўйича ўртача 15 фоизга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон билан Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасидаги алоқалар изчил тараққий этмоқда. 2011 йилнинг октябр ойида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Жаңубий Кореяда бўлиб ўтган 19-сессиясида Ўзбекистон 2011-2015 йиллар давомида Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши аъзолигига сайланган. Мазкур нуфузли халқаро ташкилот билан ҳамкорлик мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини муттасил юксалтиришга, бу соҳада бошқа давлатлар билан муносабатларни кенгайтириш ҳамда Буюк ипак йўли маданий меросини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда ушбу ташкилот билан ҳамкорликда халқаро сайёҳлик яр-

маркалари, анжуманлар ва семинарлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Анъанавий «Ипак йўлидаги туризм» Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси шулар жумласидан.

«Ипак йўлидаги туризм» Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасини ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан кенг таништириш ва хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақкамлаш, ички туризмни янада ривожлантиришдан иборат.

Ярмаркада иштирок эта-

ётган сайёҳлик фирма ва компаниялари сони йил сайин ошиб бормоқда. 2011 йилда анжуманда ўнлаб мамлакатлардан беш юздан зиёд сайёҳлик ташкилоти қатнашган бўлса, бу йил Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Индонезия, Испания, Россия, Таиланд, Франция, Хитой, Чехия, Словения, Швейцария, Вьетнам, Туркия, Туркменистон ва Ҳиндистон каби ўнлаб мамлакатлардан етти юздан ортиқ фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда.

Компаниямиз Тошкент халқаро туризм ярмаркасида илк марта иштирок этмоқда, — дейди Таиланднинг «Grand Orchid Travel» компанияси бош менежери Сураасак Котпромри. — Бугунги кунда Таиланд сайёҳлигини ривожлантириш борасида катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўзбекистон Буюк ипак йўлининг дурдонаси саналади. Шу боис ҳам Таиландда бой тарихга эга бу заминга ташриф буюришни истаган кишилар кўп.

Ярмаркадан ўрин олган «Ўзбекистон миллий павильони»да мамлакатимизнинг барча худудларидан ўнлаб сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирок этмоқда.

Бугунги ярмаркада Сурхондарё вилоятида жойлашган «Силк Род», «Шарқ», «Меридиан», «Уллубек» каби олтин меҳмонхона иштирокчиларга ўз хизматларини тақдиф қилмоқда, — дейди «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Сурхондарё вилоятидаги саёҳат ва экскурсия бюроси раҳбари Зафар Намозов. — Сурхондарё вилоятида тўққиз юздан зиёд тарихий обидалар мавжуд. Вилоятимизга келаётган сайёҳлар сони йил сайин ортмоқда.

Уч кун давом этадиган ярмарка доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенгроқ жалб қилиш борасида чет эллик ҳамкорлар ва мутахассислар билан ўзаро фикр алмаштириш, ҳамкорликка оид қатор битимлар имзоланиши режалаштирилган.

## ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ



София ЗОИР/София.Ташкент

Чилонзор туманидаги «Шараф» маҳалласида истиқомат қилаётган Мақсуджон Бобоев ўз ҳаёт йўлидан ҳар қачан фахрланиши арзийди. У 1986 йилда Тошкент ирригация ва мелiorация институтини тугатиб, дастлабки иш фаолиятини шу ерда лаборантликдан бошлаган. Кейинчалик Тошкент қурилиш бош бошқармасининг 12-трестида фаолият олиб борди. Бунёдкорлик сирларини пухта эгаллаган Мақсуджон ака 2003 йили «Меъмор қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, ўнлаб иш урилларини яратди.

— Бу бизга мустақиллик туғайли берилган бободан ибтидо, — дейди М.Бобоев. — Тадбиркорлик эътибор ва имтиёزلардан фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтираётимиз. Турмуш ўрғиним Раънохон билан бир ўғил, бир қизни тарбиялаб ювга етказдик. Ўғлимиз Мансуржон Тошкент давлат техника университетини, қизимиз Наргиза эса Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институтини битиришган. Икки нафар шириндан-шакар нуварларимиз бор. Инсонга бундан ортиқ яна нима керак?

Таъкидлаш жоизки, Раъно она айни пайтда «Шараф» маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида фаолият юритиб, муҳим оилавий масалаларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатмоқда. Кўпчилик ушбу хонадондаги меҳр-оқибат ва тотуликка ҳавас билан қарайди. Зеро, оила сарбонларининг ўзлари ҳурмат-эътиборга лойиқ инсонлардир.

### ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ОЛМАДА ҲАМ ЗАҲАР БОР!



Витаминларга бой бўлган мевалар — олхўри, олма, шафтоли ва олча таркибида заҳарли моддалар бор, дейилса ишончли кўйин, албатта. Аммо бу бор гап экан. Маълумотларга кўра, цианоген ёки цианоген гликозид каби заҳарли моддалар ана шу меваларнинг данаги ва баргларидан йиғилади. Турти, бундай мағизчалардан бир-иккитасини еган кишига ҳеч нарса қилмайди. Аммо олимларнинг таъкидлашича, мазкур ўсимликларнинг аччиқ данагидан 50-60 граммича истеъмол қилганлар оғир ҳолатда, ҳатто ҳаётига зомин бўладиган даражада заҳарланиши мумкин экан.

Помидор ва картошкани ҳавфли маҳсулотга айлантирадиган гликозидларнинг бошқача тури эса ўсимликларнинг барча қисмлари, яъни мевалари, пояси ҳамда илдизларида учрайди. Қизиғи, мазкур сабаблар ўзини «ғимоя қилиш» мақсадида ана шундай заҳарли моддаларни йиғиш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам ҳосилни йиғишдан аввал бундай экинларга қўшимча ишлов бериш таъсия этилади. Дароқе, яна бир қизиқ далил: катталару болалар яхши кўриб истеъмол қиладиган шоколад ҳам, аниқроқи, унинг таркибига кирувчи теобромин заҳарли ҳисобланади. Фарқли томони, теобромин инсон соғлиғига ҳеч қандай зиён етказмасда, уйда боқилдиган жониворлар, жумладан, от, ит, мушкуллар ва тўйқушларга ёмон таъсир этиши аниқланган.

### САМОЛЁТ БИЛАН ҚАЙСИ ҚУШ ТЕНГЛАШГАН?

Табиат рекордлари ихлосмандларининг айримларини дунё океанини макон тутган жониворларнинг қандай чуқурликда учраши қизиқтиради, базиларни қушларнинг қанча баландликка уча олишлари билан боғлиқ далиллари қидиришди. Тан олиш жоиз: ҳар икки ҳолатда ҳам аниқ рақамларни кайд этиш жуда қийин. Бироқ Гиннесснинг Рекордлар китобидан баланд учувчи қушларга доир қизиқ, шу билан бирга, кишини ҳайратга соладиган бир маълумот кайд этилган: 1973 йилнинг 29 ноябрь кунини Абиджан (Кот-д'Ивуар) осмонидан 11 277 метр баландликка кўтарилган самолёт турбинасига қуш кириб кетади. Оқубатда, ҳаво лайнерининг тўртта двигателидан бири ишдан чиқади. Самолёт эсон-омон ерга қўндирилган, америкалик ориентологлар мотор ичидан Африка сипи (Рюпель грифи) қолдиқларини топишди. Шу ўринда замонавий самолётлар ҳам энг узоғи билан 12000 метр баландликка кўтарилиш имконига эга эканини айтиш жоиз.